

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У Қ М

2019 йил август ойининг 22 куни, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман суди ўз биносида ҳамда “” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очик сайёр суд мажлисида,

раислик қилувчи: судья Б.Султанов,

судья ёрдамчиси Ш.Кулдашеванинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент шаҳар Учтепа туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ф.Абдувахитов, судланувчи А.Х.М. ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган адвокат У.М., судланувчи У.Ш.Ю. ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган адвокат Д.Я.нинг иштирокида А.Х.М. ва У.Ш.Ю.га оид 0000-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

**А.Х.М. (А.Х.М.),** 0000 куни Сирдарё вилоятининг туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оиласидан ажрашган, бир нафар вояга етмаган фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туман судининг 2015 йил 20 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон республикаси ЖК 131-моддасининг 1-қисми билан 2.960.000 сўм жарима жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят Зомин туман судининг 2016 йил 13 январдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 2 декабрдаги амнистия тўғрисидаги Қарорига асосан жарима жазосидан озод этилган, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 78-моддасига асосан судланганлик ҳолати тугалланган, Жиззах вилояти, тумани, қишлоқ фуқаролар йиғини, қишлоғи, рақамсиз уйда доимий рўйхатда бўлиб, вақтинча Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Чилонзор мавзеси, -даҳа, -уй, -хонадонда истиқомат қилади, иш бўйича “шахсий кафиллик” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2019 йил 25 июль куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 3-қисми билан айбланган;

**У.Ш.Ю. (U.S.Y.),** 0000 куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, икки нафар фарзандлари бор, шулардан бир нафари вояга етмаган, вақтинча ишсиз, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2005 йил 23 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “Г” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган, 2006 йил 1 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йил 2 декабрдаги амнистия

тўғрисидаги Қарорига асосан жазонинг ўталмаган қисмидан озод этилган;

2) жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман судининг 2007 йил 14 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 176-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари, 186<sup>1</sup>-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Қарқашдарё вилояти Қарши шаҳар судининг 2008 йил 28 ноябрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 3 йил 6 ой 7 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;

3) жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман судининг 2011 йил 25 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57,60-моддалари тартибида иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, кўчаси, - уйда доимий рўйхатда бўлиб, вақтинча Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чилонзор мавзеси, -даҳа, -уй, -хонадонда истиқомат қилувчи, иш бўйича “шахсий кафилик” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2019 йил 25 июль куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 3-қисми билан айбланган.

Суд судланувчилар ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### **А Н И Қ Л А Д И:**

У.Ш.Ю. 2019 йил 23 июнь куни соат 19:30 ларда, А.Х.М. билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, фоҳишахона сақлаш мақсадида, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Чилонзор мавзеси, -даҳа, -уй, -хонадонда Қ.Д.А. ва Т.С.С.га жинсий алоқа қилишлари учун шароит яратиб бериб, бунинг эвазига фуқаро Т.С.С.дан хонадон топиб берганлиги учун 100.000 сўм, А.Х.М. эса хонадонда жинсий алоқа қилиш учун шароит яратиб берганлиги учун 90.000 сзм миқдоридаги пулларни олганликлари аниқланган.

Олиб борилган тезкор суриштирувлар натижасидан У.Ш.Ю.дан 100.000 сўм, А.Х.М.дан эса 90.000 сўм миқдоридаги пуллар холислар иштирокида ашёвий далил сифатида расмийлаштириб олинган.

Судланувчи А.Х.М. суд мажлисида айбига тўлиқ иқроп бўлиб, ҳақиқатдан ҳам 2019 йил 23 июнь куни соат 16:30 ларда унга аввалдан таниш

бўлган У.Ш.Ю. қўнғироқ қилиб, унга ўзининг яқин танишларига жинсий алоқа қилиш учун жой кераклигини айтганлигини ва бир соатга уйига танишларини киритиб, жинсий алоқа қилишлари учун жой берганлиги эвазига улардан 100.000 сўм олишини айтганлигини, У.Ш.Ю. унга ўзининг яқин танишлари эканлигини ва ишончли одамлар деб таништирганлиги учун пул ишлаб олиш мақсадида У.Ш.Ю.нинг таклифига рози бўлганлигини, шу куни соат 19:00 ларда Т.С.С. қўнғироқ қилиб, уй манзилини сўраганлигини, у Т.С.С.га ўзининг манзилини айтганидан сўнг, орадан 5 дақиқа ўтиб Т.С.С. ўзининг таниши Қ.Д.А. билан бирга келганлигини, у уларни уйда кутиб олганлигини, Т.С.С. ва Қ.Д.А. уйга кирганларидан сўнг, Т.С.С. унга 90.000 сўм пулларни берганлигини ва унга У.Ш.Ю.га 100.000 сўм пулларни берганлигини, У.Ш.Ю. бу пулларни уни У.Ш.Ю.дан қарзи бўлганлиги учун олиб қолганлигини айтганлигини, шундан сўнг Т.С.С. ётоқхонга кириб кетиб орадан тахминан 10 дақиқа ўтганидан сўнг ювиниш хонасига кириб чиққанлигини ва унга кетаётганликларини, эшикни ёпиб олишини айтиб, эшикни очган вақтида ташқаридан фуқаролик кийимда бўлган ички ишлар органлари ходимлари кириб келганлигини ва Т.С.С. ҳамда Қ.Д.А.дан ушбу хонадонда нима қилаётганликларини сўрашганида, Т.С.С. бўлган ҳолатни айтиб берганлигини, шундан сўнг ички ишлар органлари ходимлари томонидан тегишли хужжатлар расмийлаштирилганлигини ва у бўлган ҳолат юзасидан ўз хоҳиши билан тушунтириш хати ёзиб берганлигини, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир қилган ҳаракатларини оқибатини тўлиқ англаб етганлигини, бу ишга моддий қийинчилик туфайли қўл урганлигини, бундан кейин бу каби ҳаракатларни содир этмаслигини билдириб, уни муқаддам судланмаган шахс ҳисобланишини, оилавий шароитини, қарамоғида бир нафар вояга етмаган фарзанди борлигини инобатга олиб, унга нисбатан енгиллик беришни сўраб, кўрсатувлар бериб ўтди.

Судланувчи У.Ш.Ю. суд мажлисида айбига тўлиқ иқроор бўлиб, ҳақиқатдан ҳам 2019 йил 23 июнь куни унга исми кейинчалик маълум бўлган Т.С.С. қўнғироқ қилиб, телефон рақамини танишидан олганлигини айтиб, ундан ўзининг таниши билан жинсий алоқа қилиш учун икки соатга жой сўраганлигини, шунда у Т.С.С.га хонадон борлигини айтиб, бироздан сўнг унга ўзи қўнғироқ қилишини айтганлигини, шундан сўнг ўзининг таниши А.Х.М. қўнғироқ қилиб, ундан ўзининг танишлари жинсий алоқа қилишлари учун жой сўраганлигини айтиб, у А.Х.М.га танишларига унинг телефон рақамини бермоқчи эканлигини айтганлигини, А.Х.М. унинг таклифига рози бўлиб, унга ўзининг хонадонига бир соатга жинсий алоқа қилишлари учун шароит яратиб берганлиги эвазига 100.000 сўм беришлари кераклигини айтганлигини, шундан сўнг у Т.С.С.га қўнғироқ қилиб, унга А.Х.М.нинг гапини айтганлигини, Т.С.С. рози бўлганлигини ва улар Тошкент шаҳар, Чилонзор мавзеси, -даҳада жойлашган бозорчанинг олдида учрашганликларини, шунда у Т.С.С.дан уй топиб берганлиги учун маклерлик ҳақига 50.000 сўм ва А.Х.М.нинг ундан қарзи борлиги учун яна 50.000 сўм, жами бўлиб 100.000 сўм миқдордаги пулларни олганлигини, шундан сўнг Т.С.С.га А.Х.М.нинг яшаш манзилини бериб, уйига борган вақтида А.Х.М.га

кўнғироқ қилса, унинг ўзи уларни кутиб олишини айтиб, ўзининг ишлари билан кетаётган вақтида, уни номаълум шахслар тўхтатиб, гувоҳномаларини кўрсатиб, ўзларини ички ишлар органлари ходимлари деб таништиришганлигини, шундан сўнг у ички ишлар органлари ходимларига бўлиб ўтган ҳолат юзасидан ўз хоҳиши билан тушунтириш хати ёзиб берганлигини ва эғнида бўлган қора рангли шимининг чап чўнтагидан 100.000 сўм пулларни ўзининг ихтиёри билан ички ишлар органлари ходимларига такдим қилганлигини, шунда сўнг ички ишлар органлари ходимлари томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилганлигини, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир қилган ҳаракатларини оқибатини тўлиқ англаб етганлигини, бу ишга моддий қийинчилик туфайли кўл урганлигини, бундан кейин бу каби ҳаракатларни содир этмаслигини билдириб, уни оилавий шароитини, қарамоғида бир нафар вояга етмаган фарзанди борлигини инобатга олиб, унга нисбатан енгиллик беришни сўраб, кўрсатувлар бериб ўтди.

Гарчанд, судланувчи А.Х.М. ва У.Ш.Ю. уларга нисбатан эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатувлар бериб ўтган бўлсалар-да, уларни мазкур жиноятни содир этганликдаги айби суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳнинг қуйидаги кўрсатувлари билан ўз тасдиғини топади.

Жумладан, гувоҳ Г.Д.С. суд мажлисида қуйидагиларни, яъни 2019 йил 23 июнь куни соат 19:30 ларда ўзи яшаб келаётган Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Чилонзор мавзеси, -даҳа, -уйнинг олдидаги ўриндикда ўтирган вақтида, уни олдига фуқаролик кийимида бўлган ички ишлар органлари ходимлари келиб, ундан бир ишда холис сифатида иштирок этишни сўрашганлиги, у ички ишлар органлари ходимларининг таклифига рози бўлганидан сўнг, ички ишлар органлари ходимлари яна бир нафар холисни таклиф қилишганлиги ва улар биргаликда -хонадонда яшовчи кўшниси А.Х.М.нинг хонадонига киришганлиги, хонадонга киришганида у ерда нотаниш йигит Т.С.С. ва қиз Қ.Д.А.ни кўрганлиги, ички ишлар органлари ходимлари Т.С.С. ва Қ.Д.А.дан ушбу хонадонда нима қилаётганликларини сўрашганида, улар ички ишлар органлари ходимларига ушбу хонадонга жинсий алоқа қилиш учун келганликларини, хонадонда шароит яратиб берганлиги учун хонадон эгаси А.Х.М.га 90.000 сўм пулларни берганликларини маълум қилишганлиги, уларни гапини А.Х.М. ҳам тасдиқлаганлиги, шунда сўнг ички ишлар органлари ходимлари томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилганлиги ҳақида кўрсатувлар бериб ўтди.

Суд, ушбу жиноят иши юзасидан тўпланган иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчилар ва гувоҳнинг кўрсатувларига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95, 112-моддалари талаблари бўйича баҳо бериб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талаблари асосида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқиб, судланувчи А.Х.М. ва У.Ш.Ю.нинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айблари қуйидаги рад этиб бўлмайдиган далиллар билан, яъни суд мажлисига узрли сабабларсиз ҳозир бўлмаган гувоҳларнинг дастлабки тергов жараёнида

берган кўрсатувлари, суд мажлисида, судланувчи ва процесс иштирокчиларининг розилиги билан ўқиб эшиттирилганида, судланувчилар томонидан тасдиқланганлиги билан, шунингдек, жиноят иши ҳужжатларидаги Т.С.С.нинг аризаси, ички ишлар органлари ходимларининг билдиргиси, пулларни тақдим қилиш, далилий ашёни олиш ҳақидаги баённомалари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадвали, юзлаштириш баённомалари, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят ишига қўшиш қарори ҳамда жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар билан ўз тасдиғини топади деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи А.Х.М. ва У.Ш.Ю.нинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, уларнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 3-қисми, “бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб фоҳишахона ташкил этиш ёки сақлаш”да ифодаланган жиноят аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1,3-бандларида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилиши, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги назарда тутилган.

Суд, судланувчи А.Х.М.га нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддаси талабларига риоя қилиб, юқоридаги кўрсатилган Пленум қарорларидаги раҳбарий

тушунтиришлардан келиб чиқиб, А.Х.М.нинг ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини, муқаддам судланмаган шахс ҳисобланишини, оилавий ва моддий шароитини, қарамоғида бир нафар вояга етмаган фарзанди борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, ЖКнинг 56-моддаси талабларига риоя қилиб, мазкур жиноятни ғаразли ва бошқа паст ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 37-бандида “Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ЖК Махсус қисмининг моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан, моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳоказо)” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришлардан келиб чиқиб, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларни, жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражасини, А.Х.М.ни шахсини инобатга олиб, уни ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини, муқаддам судланмаган шахс ҳисобланишини жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 3-қисми билан ушбу модда санкциясида назарда тутилган жарима жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ жарима жазоси тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи У.Ш.Ю.га нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддаси талабларига риоя қилиб, юқоридаги кўрсатилган Пленум қарорларидаги раҳбарий тушунтиришлардан келиб чиқиб, У.Ш.Ю.нинг ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини, қарамоғида бир нафар вояга етмаган фарзанди борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, ЖКнинг 56-моддаси талабларига риоя қилиб, мазкур жиноятни ғаразли ва бошқа паст ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 37-бандида “Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ЖК Махсус қисмининг

моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа энгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони энгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан, моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳоказо)” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришлардан келиб чиқиб, жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларни, жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилиқ даражасини, У.Ш.Ю.ни шахсини инобатга олиб, уни ўз айбига иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 3-қисми билан ушбу модда санкциясида назарда тутилган жарима жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ жарима жазоси тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Шу билан бир қаторда суд, иш юзасидан ашёвий далил тариқасида олинган ва тадбирда иштирок этиш учун ажратилган 190.000 сўм пул маблағлари аризачи Т.С.С.га тилхат орқали қайтарилганлигини инобатга олишни лозим топади.

Шунингдек суд, иш бўйича ашёвий далил тариқасида олинган CD-дискни жиноят иши ҳужжатларида сақлаш учун қолдиришни лозим деб ҳисоблайди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

### **Ҳ У К М Қ И Л Д И:**

**А.Х.М. (А.Х.М.)** Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

А.Х.М.га Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 3-қисми билан, ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг **15 (ўн беш)** баравари, яъни **3.040.950 (уч миллион қирқ минг тўққиз юз эллик)** сўм жарима жазоси тайинлансин.

А.Х.М.га нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

**У.Ш.Ю. (U.S.Y.)** Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

У.Ш.Ю.га Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 3-қисми билан, ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг **15 (ўн беш)** баравари, яъни **3.040.950 (уч миллион қирқ минг тўққиз юз эллик)** сўм жарима жазоси тайинлансин.

У.Ш.Ю.га нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг – бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил тариқасида олинган CD-диск жиноят иши ҳужжатларида сақлаш учун қолдирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчилар эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг апелляция инстанцияси, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шу суд орқали шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи:**

**(имзо)**

**Б.Султанов**

**Ҳукм нусхаси аслига тўғри:**